

---

Эзгулик ва хайр-саховат тадбирлари эҳтиёжманд оилаларни ёлғизлатиб қўймасликка қаратилмоқда

Хабарингиз бор, туманимизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими қошида Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш маркази [ташқил этилган](#).

Туманимиздаги саховатли инсонлар ва хайрия қўлини узатаётган муассасаларнинг ҳомийлик ёрдамлари мазкур марказда жамланиб, мурожаатлар ва манзилли рўйхатлар асосида карантин шароитида аҳолига, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оилаларга бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнатилган тартибда етказиб берилмоқда.

Бугун, 20 апрел куни ҳам **25 нафар** эҳтиёжманд оилага келиб тушган мурожаатлар асосида бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари секторлар кесимида етказиб берилди.

Ҳеч бир оила, ҳеч бир инсон эътибордан четда эмаслигидан далолат бергувчи бундай хайрли ишлар туманимизда узлуксиз давом эттирилмоқда.

**Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**







2020-04-20 20:16:53